

Лойиха қидирув ишларини бажариш учун

2022-1-сонли

ШАРТНОМА

Тошкент шахри

2022 йил “18” январь

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилувчи номидан вазир ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан ва “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi бундан кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи номидан корхона бош директори О.А.Жабборов иккинчи томондан ўз низомлари асосида, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. Шартноманинг асослари, баҳоси ва тўлов шартлари

1.1. Шартнома “Буюртмачи”нинг топшириғига биноан “Бажарувчи” томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: “Қашқадарё вилояти Фузор, Дехқонобод, Косон, Қарши, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларидағи мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”.

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **703 782 701** (Етти юз уч миллион етти юз саксон икки минг етти юз бир) сўм бўлиб, қўшимча қиймат солиги (КҚС) олинмайди.

1.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан ва тўловнинг қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда тугатилган ишларни қабул қилиб олиш хужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлаб боради.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойиҳалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календар режа билан аниқланади, улар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услубий хужжатларга мувофиқ календар иш режасида назарда тутилган ҳажмда сифатли ва тўлиқ бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га топшириш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Бажарувчи”га техник топшириқ бериш ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини ўз вақтида бажарувчига тўлаш.

III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник топшириққа мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник топшириқ билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг хақ тўланади.

3.3. “**Бажарувчи**” ишни томомлагандан сўнг “**Буюртмачи**”га бажарилган иш (bosқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуи билан биргаликда тақдим қиласди.

3.4. “**Буюртмачи**” топшириш-қабул қилиш далолатномасини мазкур шартноманинг 3.3 - бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун давомида ишни қабул қилиши лозим ва “**Бажарувчи**”га имзолангандан топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қиласлик сабабини асословчи ёзма изоҳни тақдим этиши шарт.

3.5. “**Буюртмачи**” ишни қабул қилишини асосли рад этса, қўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичida хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 15 кунлик муддат ичida кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.7. Бажарилаётган иш “асосли равища тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас” – деб топилган тақдирда, ишнинг бажарилган қисми учун “**Буюртмачи**” томонидан “**Бажарувчи**”га хақ тўланади.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафлар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўладилар.

4.2. “**Буюртмачи**” томонидан мазкур шартноманинг 1.3-бандида назарда тутилган шартнома умумий қийматининг 30 фоизи (аванс) кечикиб тўланган тақдирда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар аниқланган тақдирда, “**Бажарувчи**” камчиликларни ўз ҳисобидан тарафлар томонидан келишилган муддатда бартараф этишга мажбур.

4.4. Ушбу шартнома бўйича келиб чиқсан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаган тақдирда Тошкент шаҳар Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

V. Қўшимча шартлар

5.1. “**Бажарувчи**” бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида “**Буюртмачи**”ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва “**Буюртмачи**”нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар “**Буюртмачи**” “**Бажарувчи**” тақдим этган нархда ишни давом

эттиришни “мақсадга мувофиқ әмас” деб ҳисобласа, у ҳолда “Буюртмачи” “Бажарувчи” томонидан күрилган заарларни түлиқ ҳажмда қоплайди.

5.2. Шартнома шартларига тарафларнинг ёзма розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.3. “Бажарувчи” ўз мажбуриятини бажариш учун учинчи тарафни жалб қилиш хуқуқига эга.

5.4. Мазкур шартномага илова қилинган техник топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома унинг ажралмас қисми саналади.

5.5. Ушбу шартнома имзоланган вақтда кучга киради ва 2022 йил 31 марта ҳақиқий ҳисобланади.

VI. Тарафларнинг реквизитлари

Бажарувчи: “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

Манзили: 100097, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, Ц квартали.

Р/сч: 20220000600102465001, МФО-00419, ИНН-200795160, ОКЭД-71110.

Банк; Ипотека банк Тошкент шаҳар филиали

Тел.: 278-50-98

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Манзили: 100140, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Университет кўчаси, 2-үй.

Тел.: 260-47-94

Л/сч 100010860272487049920082001, ИНН 305 636 074 ОКЭД-84111

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб китоб касса маркази.

р/сч. 23402000300100001010, ИНН-201 122 919, МФО-00014

Мазкур шартномага: техник-топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.



БАЖАРУВЧИ

О.А.Жабборов



М.И.Рузметов

**“Тупроқ бонитировкаси” шўъба корхонаси юрисконсульт Б.Мусаевнинг
“Лойиха қидирав ишларини бажариш учун 2022-1-сонли шартнома”
юзасидан**

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Буюртмачи) ва “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi (Бажарувчи) ўртасида тузилган лойиха қидирав ишларини бажариш учун 2022-1-сонли шартномасининг матни Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилиб қуидаги **хулосага келинди**:

1. Мазкур шартнома 1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги 670-1-сон Қонуни ва Фуқаролик кодексининг 686-692-моддалари билан тартибга солинади;
2. Мазкур шартнома бажарувчи томонидан Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Косон, Қарши, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларидағи мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ хариталаринии тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажаришга қаратилган бўлиб, шартноманинг умумий қиймати 703 782 701 (Етти юз уч миллион етти юз саксон икки минг етти юз бир) сўмдан иборат;
3. Мазкур шартноманинг шартлари норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига мос келади;
4. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги меъёри ҳамда низоларни ҳал этиш тартиби қонун хужжатлари талабларига мос келади.

Бош юрисконсульт

Б.Мусаев





“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари М.И.Рузметов билан “Бажарувчи” “Tirgoq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahsil markazi” davlat unitar korxonasi бош директори О.Жабборовлар ўртасида тузилаётган 2022 йил “18” январдаги 2022-1-сонли “Қашқадарё вилояти Ғузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларидағи мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш” номли шартнома лойиҳасига

ЭКСПЕРТ ХУЛОСА

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъёрий-хуқуқий хужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Ушбу 01.10.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси “Давархитеккурилиш” қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда 02.01.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги учун лойиҳа-қидирув ишлари учун вакт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати 703 782 701 (Етти юз уч миллион етти юз саксон икки минг етти юз бир) сўмни ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъёрий хужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Эксперт гуруҳи аъзолари:

1. А.Жўраев

2. А.Ахмадалиев

3. У.Ниязметов

“ ” 2022

Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги

Баённома

2022 йил “18” январь

Бизлар, қўйида имзо қўйувчилар “Буюртмачи” номидан Қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари М.И.Рузметов ва “Бажарувчи” номидан “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi бош директори О.А.Жабборовлар 2022 йил “18” январдаги 2022-1-сонли шартноманинг келишилган нархи **703 782 701** (Етти юз уч миллион етти юз саксон икки минг етти юз бир) сўм ни ташкил қилишини хақиқатдан тасдиқлаймиз

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан “хисоб-китоб қилиш учун асос” - деб ҳисобланади.

БАЖАРУВЧИ



О.А.Жабборов

2022 йил “18” январь

БУЮРТМАЧИ



М.И.Рузметов

2022 йил “18” январь

м. ў.

Келишилди:

“Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati
tahlil markazi” davlat unitar korxonasi
бош директори



О.А.Жабборов
2022 йил “ ” январь

Тасдиқлайман:

Қишлоқ хўжалиги
вазир ўринбосари



М.И.Рузметов
2022 йил “ ” январь

“Қашқадарё вилояти Ғузор, Дехқонобод, Қарши, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш” ишларига

ТЕХНИК-ТОПШИРИҚ

1. **Ишларни бажариш асоси:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сон “Ер хисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2. **Буюртмачи:** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

3. **Бажарувчи:** “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi.

4. **Ушбу ишнинг мақсади:** “Қашқадарё вилояти Ғузор, Дехқонобод, Қарши, Қосон, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”.

5. **Ишга бўлган асосий талаблар:**

5.1. **Ишларни таркиби:**

Қашқадарё вилоятида Ғузор, Дехқонобод, Қарши, Қосон, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида 111 297 гектар лалми ер майдони мавжуд.

Тайёргарлик ва дала изланиш ишлари 2021 йилнинг I чорагида бажарилган. Бунда ҳар 125 гектар ер майдондан 1 асосий (намунали) кесма қазилди ва тупроқ намуналари генетик қатламлардан олинган ва лабораторияга талабнома асосида кимёвий таҳлил учун тақдим қилинган.

- Туманлардан келтирилган тупроқ намуналарини лаборатория анализлардан ўтказиш;
- камерал ишлар (дала ва лаборатория ҳужжат ва маълумотларига асосан массивларнинг 1:10000 миқёсда лалми тупроқ карталарини тузиш);
- ерларни баҳолаш ишлари;
- массивларнинг 1:10000 миқёсда миқёсда лалми тупроқ-бонитировка карталарини чизиш ишлари;
- олинган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туман учун тушунтириш хатларини ёзиш;

- **Ишларни амалга ошириш тартиби:**

Режалаштирилган ишлар “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бунда режалаштирилган барча худудларда:

- Туманлардан келтирилган тупроқ намуналарини лаборатория анализлардан ўтказиш;
- камерал ишлар (дала ва лаборатория ҳужжат ва маълумотларига асосан массивларнинг 1:10000 миқёсда тупроқ карталарини тузиш);
- ерларни баҳолаш ишлари;
- массивларнинг 1:10000 миқёсда миқёсда тупроқ-бонитировка карталарини чизиш ишлари;
- олинган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туман учун тушунтириш хатларини ёзиш;

6. **Муддати:** 2022 йил “ ” январь – 2022 йил 31 марта.

7. Иш натижаларини тақдим этиш шакли:

- 1:10000 микёсда массивларининг тупрок сифатини баҳолаш (тупрок-бонитировка) картаси ва унинг экспликацияси -3 нусхада (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va gerozitorisi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун);

- бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туманлар учун тушунтириш хатлари -3 нусхада тайёрланади ва тақдим этилади, (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va gerozitorisi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун);

- бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган таҳлилий маълумотлар (1 нусхада) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига фойдаланиш учун топширилади.

Киритилди:

Лойиха бош муҳандиси

 Мусаев.Ж.

2022 йил “18“ январдаги 2022-1-сонли шартнома

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларни бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи, минг сўм	
	Бошланиши	якунланиши	Жами	шу жумладан жорий йилда
“Қашқадарё вилояти Фузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз ва Яккабог туманларидағи мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ хариталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”.	2022 йил январь	2022 йил март	703 782,701	703 782,701

Б А Ж А Р У В Ч И

“Tuproq tarkibi va repozitoriyasi, sifati tahsil markazi” davlat unitar korxonasi

Бош директори

О.А.Жабборов

2022 йил “ ” январь

М.ў.



Б У Ю Р Т М А Ч И

Кишлоқ хўжалиги вазир ўринbosари

М.И.Рузметов

2022 йил “ ” январь

М.ў.



Келишилди:

“Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi

Бош директори

О.А.Жабборов

2022 йил “ 18 ” январь



Тасдиқлайман:

Қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил “ 18 ” январь

“Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”

ДАСТУРИ

1. Ишларнинг бажарилиши учун асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги 6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг буюртмаси асосида “Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”га оид ТЕХНИК-ТОПШИРИКқа асосан тайёрланган бўлиб, мазкур ишларни мазмунини ва бажарилишини таъминлайди.

2. Ишни бажарувчи: “Tuproq tarkibi va repozitoriysi, sifati tahlil markazi” давлат unitar korxonasi,

3. Иш мақсади ва вазифалари: “Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш”.

Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида жами **111 297 гектар** лалми қишлоқ хўжалик ер майдонлари мавжуд бўлиб, ушбу майдонларда тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажаришдан иборат.

4. Тадқиқот предмети ва методлари: Қашқадарё вилояти Гузор, Дехқонобод, Қарши, Косон, Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманлари мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ер майдонлари тупроқлари тадқиқот предмети бўлиб хизмат қиласди.

Бажариладиган тупроқ-баҳолаш ишлари услубиёти асосини Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар – “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома” (Тошкент, 2013 й) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси лалми тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма” (Тошкент, 2005 й) лар ташкил этади.

5. Амалий аҳамияти: Массивларнинг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ-бонитировка) карталари, аниқланган балл бонитетлари билан ишлаб чиқаришга тавсия этилади. Аниқланган балл бонитетлари ягона ер солигини белгилаш, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини режалаштириш, ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишни асослаш, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг ер участкалари қийматларини аниқлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ердан самарали ва

оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, ер участкаларидан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ва самарасиз фойдаланилганда ерга бўлган хуқуқни бекор қилиш ҳамда жарима санкцияларини кўллаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулдан сақлаш, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва оширишда асос бўлиб хизмат киласди.

6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиш тартиби.

6.1. Асосий иш турлари:

Режалаштирилган барча майдонларда:

- Тупроқ намуналарни лаборатория анализларидан ўтказиш;
- Камерал ишлар (дала ва лаборатория маълумотларга асосан хужжатларни ишлаб чиқиш);
 - Карта тузиш;
 - тупроқларни сифатини баҳолаш;
 - Карта чизиш;
 - Олинган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туман лалми ер майдонлари учун тушунтириш хатларини ёзиш.

6.2.Ишларни бажарилиш тартиби:

Режалаштирилган барча майдонларда:

- Келтирлиган тупроқ намуналарида лаборатория таҳлиллари талабнома ҳамда ушбу ишларга мўлжалланган смета ҳаражатларига асосан бажарилади.
- Камерал ишлар даврида дала ва лаборатория таҳлил натижалари асосида тупроқ айирмалари кўрсатилган тупроқ карталари ҳамда ушбу карталарга экспликациялар тузилади.
- Тупроқ сифатини баҳолаш даврида ҳар бир тупроқ айирмага балл бонитет белгиланади.
- Тупроқ карталарини чизиш ва кўпайтириш даврида массивлар учун 1:10000 миқёсда тупроқ карталари 3 нусхада чизилади ва хужжатлаштирилади.
- Бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туман учун тушунтириш хатлари ёзилади.

7. Кутилаётган натижалар: Барча ишлар якунида массивларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ сифатини (тупроқ-бонитировка) баҳолаш карталари тузилади, лалми ерларнинг янгидан бонитировкаланиши таъминланади. Туман лалми ер майдонлари учун тушунтириш хати ёзилади.

8. Жорий этиш:


Барча ишларнинг якунида якуний хужжатлар тўплами қуидагича тайёрланади:

1:10000 миқёсда массивлар (собиқ ширкат хўжаликлари)нинг тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) картаси ва унинг экспликацияси -3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), бажарилган тупроқ-баҳолаш натижалари асосида туманлар учун тушунтириш хатлари-3 нусхада (2 нусхаси вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Tuproq tarkibi va repozitorysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi архивида сақлаш учун), ҳамда барча ердан фойдаланувчилар ерларининг класслар бўйича тарқалганлиги тўғрисидаги жадвалдан иборат.

Массивларининг 1:10000 миқёсдаги тупроқ сифатини баҳолаш (тупроқ- бонитировка) карталаридан ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ер ажратишни асослаш, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларининг ер участкалари қийматларини аниқлаш, тупроқ ресурсларини ифлосланиш ва таназзулидан сақлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва бошқа қонунда белгиланган бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Киритилди:

Лойиха бош муҳандиси

Мусаев. Ж.

“Кашкадарё вилояти Гузор, Дехканобод, Караби, Косон Шахрисабз ва Яккабоғ тумандаридаги мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар лалми ёр майдонларининг тупрок хариталарини тузиш ва тупрок сифатини баҳолаш ишларни бажариш” ишлари бўйича жамланма

СМЕТА

(сўм хисобида)

№	Тумандар номи	Майдон,га	Лаборатория ишлари	Камерал ишлар	Картографик ишлар	Бонитировка ишлари	Жами
1	Гузор	30 349	133 560 229	8 275 586	23 479 757	28 457 131	193 772 702
2	Дехканобод	42 693	187 973 655	8 296 751	32 218 858	40 031 641	268 520 905
3	Карши	2 655	11 542 242	1 947 197	2 278 828	2 489 495	18 257 762
4	Косон	14 315	52 214 904	3 894 393	11 073 260	13 422 644	80 605 201
5	Шахрисабз	6 935	30 229 681	4 381 192	5 822 879	6 502 692	46 936 445
6	Яккабоғ	14 350	63 207 516	7 301 987	11 724 721	13 455 462	95 689 686
	111 297	478 782 228	34 097 106	86 598 302	104 359 065	703 782 701	

Етти юз уч миллион етти юз саксон икки минг етти юз бир сўм

“Бажарувчи”

Бош директор:


О.Жаббаборов

Лойиха бош муҳандиси:


Ж.Мусаев
“ “ январь 2022 йил

